

2001-yil fevral oyidan  
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,  
ma'naviy-ma'rifiy,  
adabiy-badiiy gazeta

2026-YIL, IYUN,  
№ 10 (568)

# BUXORO YOSHILARI

**МАХСУС СОН  
БЕПУЛ ТАРҚАТИЛДИ**



Видеолавҳани QR-код  
орқали кўринг.

Май ойининг биринчи ярмида Бухоро “Медиа ҳафталик” ҳамда III Халқаро Зардўзлик ва заргарлик фестивалига мезбонлик қилди. Мазкур тадбирлар жараёни “Buxoro yoshlari” газетасининг 2026 йил, 8-9 махсус сониди батафсил ёритилди. Газетанинг, айнан, шу сони шаҳарнинг гавжум манзиллари бўйлаб маҳаллий ҳамда хорижий меҳмонларга бепул тарқатилди.

**СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ:**

**БОЛАЛИК БИЛАН ХАЙРЛАШУВ САДОСИ**

Май ойи охирларига келиб, мактабларда ўзига хос муҳит пайдо бўлади. Дарсхоналардаги шовқин камаяди. Ўқувчиларда ҳаяжон ва бир оз маҳзунлик сезилади. Улар энди мактаб билан хайрлашиш арафасида эканини ҳис қилади. Бир пайтлар дарсга чиқишни истамаган ўқувчи ҳам кейинчалик ўша кунларни соғиниб эслайди. Хайрлашув онлари – “Сўнги кўнғироқ” мактаб ҳаётидаги энг муҳим кунлардан бири.

Бу кунда битирувчиларнинг 11 йиллик мактаб ҳаёти билан хайрлашуви болалиқдан катталиққа ўтишнинг рамзий босқичидир.

“Сўнги кўнғироқ” анъанаси XX аср ўрталарида шаклланган. Манбаларда у собиқ Иттифоқ мактабларида илк бор ўтказилгани айтилади. Вақт ўтиши билан бу маросим кўплаб мамла-



катларда сақланиб қолди. Ўзбекистон мактабларида ҳам анъанавий нишонланади. Биринчи синф ўқувчисини елкада кўтариб айланишда ҳаётнинг

давомийлигини англатувчи рамзий мазмун борлигини билдиради.

Кейинги йилларда “Сўнги кўнғироқ” атрофида турли қарашлар пайдо



1 Июнь — Халқаро болалар кунига бағишланади

**БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ!**

Билмоқ учун оламнинг сирин,  
Қалб кўзи-ла кўринг дунёни,  
Жондан азиз, беғубор ширин,  
Болаларга беринг дунёни.

Улар учун бўлинг тулпор от,  
Кувончларда чиқарсин қанот,  
Эртақларга айлансин ҳаёт,  
Болаларга беринг дунёни.

Жажжи бўлиб завққа тўлгансиз,  
Хандон отиб шодон кулгансиз,

Бир кун сиз ҳам бола бўлгансиз,  
Болаларга беринг дунёни.

Иқболини, бахтин кўринг сиз,  
Камолини, тахтин кўринг сиз,  
Ширин тушдек ўтсин умримиз,  
Болаларга беринг дунёни.

Дунё ўзи яралган бир кам,  
Жажжи қалбин эзмасин ҳеч ғам,  
Болаларни асрасин эгам,  
Болаларга беринг дунёни.

бўлди. Айримлар бу кунни фарзанд ҳаётидаги энг ёрқин хотира, деб билади. Бошқалар эса унда ортиқча дабдаба кўпайганини айтади. Қиммат кийимлар, зиёфатлар ва ижтимоий тармоқ учун тайёрланган сахналар баъзан асосий маънони орқага суриб қўяётгандек. Бундан ташқари, вальс ва бошқа тадбирлар ҳам муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Мактаб мутасаддилари ортиқча харажат ва хавфли ҳолатларни чеклашга ҳаракат қилмоқда. Чунки ҳар йили байрамдан кейин ноҳуш воқеалар ҳам кузатилади.

Шу боис, “Сўнги кўнғироқ” нинг тарбиявий моҳиятини сақлаш асосий масалага айланган.

Бу куннинг инсон ҳаётидаги ўрни катта. Муҳими, маросим маъносини йўқотмаслиги керак. Зеро, мактаб хотираси инсонни бутун умр тарқ этмайди, у қалбда энг беғубор давр сифатида яшайди.

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ ФАХРИ

Бухоро ёшлари республика ва халқаро майдонда юксак натижаларга эришди

Май ойида Бухоро ёшларининг истеъдодли ва иқтидорли экани яна бир бор намоён бўлди. Кетма-кет келган муваффақияту натижалар бунинг исботидир.



Хусусан, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Мирзо Улуғбек воислари” республика танловининг якуний босқичида Бухоро вилояти ёшлари муносиб иштирок этди. Унда вилоятдан 20 нафар иқтидорли ёш ўз инновацион лойиҳалари билан қатнашди. Иштирокчиларнинг 10 нафари ғолибликни қўлга киритди. Ғолиблар орасида Жаҳонгир Назаров, Маржона Халилова, Самойиддин Музаффаров, Карим Шокиров, Жаҳонгир Рамазонов, Озода Олимова, Ферузбек Фахиддинов, Сарваржон Сафаров, Шерали Мустақимов ва Мадинабону Жумақулова бор. Улар базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баробари миқдоридан пул мукофоти, сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Яна бир қувончли ютуқ шундаки, ромитанлик талаба Шаҳина Шухратова Буюк Британиянинг “World Diplomas” ташкилотининг Ўзбекистондаги биринчи расмий элчиси этиб тайинланди. У Лондон, Дубай,

Риядх ва Истанбулда ўтказилган халқаро форум ва конференцияларда ёш ўзбек дипломатларини жалб этишда доимий иштирок этиб келади. Шаҳина ҳозиргача 15 га яқин халқаро ва миллий тадбирларда қатнашиб, бир қатор ютуқларга эришган.

Шунингдек, “Ёш китобхон” республика танловида ҳам бухоролик ёшлар юқори натижаларни қайд этди. 10-14 ёш тоифасида Фарзона Носирова биринчи ўринни эгаллаб, Президент совғаси — “BYD Chazor” электромобилига эга бўлди. 15-19 ёш тоифасида эса Моҳинур Ҳошимова учинчи ўринни қўлга киритиб, 50 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Ушбу ғолибликлар китоб ва маърифатга ошнолик, илму маънавият йўли машаққатли бўлса-да самараси катта эканининг исботидир.

**Зебинисо Райҳонова,**  
Бухоро давлат Педагогика  
институтининг ўқитувчиси.



## Дарवेशида ёшлар сиёсати амалда

Ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири. Ҳар бир йигит-қизнинг қобилиятини юзага чиқариш, бандлигини таъминлаш ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда Жондор тумани, Дарवेशи маҳалласида 14-30 ёш тоифасидаги 776 нафар ўғил-қизлар истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаш мақсадида ёш тоифаларга ажратилган ҳолда назоратга олинган. Ёшларнинг 642 нафари яшил тоифа, 134 нафари сариқ тоифа ҳамда 4 нафари қизил тоифага киради. Маҳалламизда ҳуқуқбу-



тидан келиб чиқиб, 20 нафар ёшга чорва моллари парвариши, 3 нафар ёшга иссиқхона маҳсулотлари етиштириш йўналишида кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-60-сон қарорининг амалий ижроси доирасида 2 нафар фаол ёшга хизмат кўрсатиш йўналишида кредитлар берилди. Бунинг ортидан яна 5 нафар фуқаро

## “МУТОЛАА” ВА “USTOZ AI” ЛОЙИҲАЛАРИДА ФАОЛ ЁШЛАР

зарликларнинг олдини олиш борасида ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган 5 нафар ёшлар билан доимий профилактик суҳбатлар ва психологик тренинглари ўтказилди. Натижада, уларнинг 3 нафари соғлом турмуш тарзига қайтарилиб, ижтимоий мослашуви таъминланди. Шунингдек, хорижга ишлаш мақсадида кетган 19 нафар миграциядаги ёшларнинг ҳолати ҳамда уларнинг оилалари билан ҳам доимий алоқа ўрнатилган.

Йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни замонавий билимларга жалб қилиш фаолиятимизнинг муҳим қисми. Шунга кўра, уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишдаги кўрсаткичларимиз ҳам юқори. Масалан, “Мутולהа” лойиҳаси

доирасида 249 нафар ёшлар томонидан 379 та китоб ўқиб тугатилди. “Ustoz AI” лойиҳасида қатнашаётган 112 нафар ёшлардан 11 нафари махсус сертификатларни қўлга киритди. “Ибрат фарзандлари” иловаси орқали хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар сони эса 426 нафарга етди. Уларнинг 75 нафари ўз билимларини тасдиқловчи сертификатларга эга бўлди. Қолаверса, ўтган 5 ой мобайнида бандликни таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган 25 нафар ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилди. Дарवेशи маҳалласининг иқтисодий “драйвери” асосан иссиқхоначилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Шу сабабли, ҳудуднинг ўзига хос хусусия-

бандлиги таъминланди.

Қадимий хунармандчилик анъаналарини давом эттириш мақсадида дурадгорлик ва ёғоч ўймакорлигига қизиқадиган 5 нафар ёш “Устоз-шоғирд” анъанаси асосида маҳалламизда жойлашган хунармандчилик устахонасига бириктирилди.

“Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси асосида, 2026 йил якунига қадар Дарवेशи маҳалласини тўлиқ ишсизликдан ва ёшлар жиноятчилигидан холи ҳудудга айлантиришни ўз олдимишга катта мақсад қилиб қўйганмиз. Бу йўлда маҳалла фаоллари, ёшлар ва барча масъуллар бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилмоқдамиз.

**Шоҳруҳон Жўраев,**  
Жондор тумани,  
“Дарवेशи” МФЙ ёшлар  
етакчиси.

## ЁШЛАР ОНГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Интернет тармоқларида экстремистик оқимларга қарши иммунитет

Замонавий глобаллашув шароитида ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаёт ривожланиши интернет тармоқларининг инсон ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб боришига сабаб бўлди.

Бирок, интернет макони экстремистик оқимлар учун ҳам қулай платформага айланиб, айниқса, ёшлар онгини заҳарлаш ва жамият барқарорлигига таҳдид солувчи ғояларни тарқатиш воситаси бўлиб қолмоқда. Улар динни нотўғри талқин қилиш орқали мафқуравий иммунитетни шаклландирган ёшлар ва заиф қатламни ўз таъсирини тортишга ҳаракат қилади.

Тарихдан маълумки, дастлаб “Исломи асл ҳолатига келтириш” шиори остида фаолият бошлаган ақидапараст гуруҳлар

XX аср охирига келиб, очиқ кураш йўлини танлади. Уларнинг асосий мақсади ҳокимиятни эгаллаш, миллатлар ўртасида низо келтириб чиқариш ва ўз ғояларини ҳукмрон қилишдан иборат эди. Бундай оқимларга, асосан, маънавий онги султ ёки мустақил фикрлаш кўникмаси шаклландирган ёшлар, шунингдек, хорижга ишлаш учун кетиб, турли ёлғон ваъдаларга ишониб қолган инсонлар қўшилиб қолмоқда.

Ўзбекистонда терроризм ва экстремизмга қарши кура-



шиш мақсадида 2000 йил 15 декабрда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қонунда давлат органларининг ваколатлари, террорчиликка қарши операцияларни ўтказиш, жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш каби

масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Шунингдек, Жиноят кодексига кўра, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш, молиялаштириш ёки қўллаб-қувватлаш 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар бундай ҳаракатлар одам ўлими

ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса, 15 йилдан 20 йилгача қамоқ жазоси тайинланади.

Бугунги кунда зарарли сайт ва гуруҳлар ўзларини “диний билим берувчи” сифатида кўрсатиб, аслида экстремистик ва бузғунчи ғояларни тарғиб қилмоқда. Бундай таъсирга тушган айрим ёшлар кейинчалик пушаймон бўлиб, ҳатто, ўз Ватани ва яқинларига қарши чиқиб қолиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Шу боис, ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар, ахборотни танқидий таҳлил қилишни ўрганиши зарур. Оила, таълим муассасалари ва жамият ҳамкорлигида шаклландирган мафқуравий иммунитет, китобхонлик, билим ва Ватанга садоқат ёшларни ҳар қандай ёт ғоялардан ҳимоя қилади.

**Ҳилола Ҳайитова,**  
Бухоро вилояти ИИБ  
ходимаси



**6 июня литературный мир  
вновь обращается к имени  
Александра  
Сергеевича Пушкина —  
поэта, без которого  
невозможно представить  
развитие русской  
литературы и русского  
языка.**

# ПУШКИН — ПОЭТ,

## ПОДАРИВШИЙ РУССКОМУ СЛОВУ ЖИВОЕ ЗВУЧАНИЕ



Его творчество давно вышло за пределы национальной культуры, став частью мирового литературного наследия. Произведения Пушкина и сегодня сохраняют удивительную выразительность и эмоциональную силу, несмотря на то что были написаны почти два столетия назад. Именно ему удалось сделать литературный язык естественным, гибким и понятным широкому кругу читателей. Поэтому Пушкина по праву считают основоположником современного русского литературного языка.

С ранних лет будущий поэт проявлял необычайную любознательность и любовь к чтению. По воспоминаниям современников, первые стихотворные строки он начал писать ещё в

детстве, причём первоначально на французском языке, который в то время широко использовался в дворянской среде. Во время учёбы в Царскосельский лицей Пушкин быстро приобрёл известность благодаря острому уму, независимому характеру и литературному дарованию. Уже тогда окружающие понимали, что перед ними человек необыкновенного таланта.

Современники отмечали живость характера поэта, его эмоциональность, общительность и умение тонко воспринимать красоту окружающего мира. Кроме литературного таланта, он прекрасно рисовал и нередко сопровождал рукописи собственными набросками. Одним из важнейших произведений Пушкина стал роман в стихах Евгений Онегин, над которым


автор работал почти семь лет. Для поэта литература была не просто творчеством, а способом осмысления человеческой жизни, чувств и внутренней свободы. Особое вдохновение Пушкину приносила осень — время спокойствия, размышлений и творческого подъёма. Именно в этот период были созданы многие известные произведения. Судьба отвела поэту всего тридцать семь лет, однако за это время он сумел оказать огромное влияние на развитие русской культуры. И сегодня его произведения продолжают вдохновлять читателей разных поколений по всему миру.

**Махбуба Болтаева,  
преподаватель  
Бухарского государственного  
Педагогического института.**

**“ Современники отмечали живость характера поэта, его эмоциональность, общительность и умение тонко воспринимать красоту окружающего мира.**

# ОҚ ЙЎЛ СЕНГА, МИРЗОУМАР

Ёшларнинг ўз йўлини топиши, мақсад сари қатъият билан интилиши шиддатли асримизда ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Ана шундай масъулиятни чуқур ҳис этиб, ўз устида ишлаётган, ютуқлари билан тенгдошларига ибрат бўлаётган ёшлардан бири бухоролик Мирзоумар Пўлатовдир.



У спортга ҳаваскор бўлиб кириб келган ва ҳаракатлари, интилиши дунё майдонлари сари олиб чиқди. 2017–2025-йиллар давомида кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришди. Масалан, 2024 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида Combat Ju-jutsi йўналишида 75 кг вазн тоифасида “Ground fight” ва “Close contact” бўйича 1-ўринни эгаллаган. Шунингдек, 2025 йилда Олмаота шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубогидаги ғалабаси билан у яна бир бор ўз кучини исботлади. Ўзбекистон чемпионатларида ҳам ғолиблар сафидан жой олиб, мамлакатимиздаги энг кучли спортчилари қаторига кириб бормоқда. Бу ютуқлар ортида ҳар кунги тинимсиз машғулотлар ва машаққатли меҳнат ётади. Мирзоумар каби ёшлар бугунги янги Ўзбекистони мининг энг катта бойлиги. У каби юрагида ўти бор ёшларнинг ютуқлари бугун ҳам атрофимизда буюк аждодларимиз Мангуберди, Темурали ва Нажмид-

дин Кубро сингари жасоратли, ватанпарвар ва кучли ирода ега ёшлар борлигини англади. Мирзоумар мақсадларига ва орзуларига эришиш учун бор кучини сафарбар этган ёш авлод тимсолидир. Унинг ютуқлари кўплаб тенгдошларига кучли руҳ бера олади. У бугун имконият кутиб ўтирганларга эмас, ҳаракат қилганларга насиб қилишини исботлади.

- Вақтни қадрлаш, ўз устида ишлаш ва ҳеч қачон орзулардан воз кечмаслик керак. Энг муҳими, ўз йўлини танлаш ва шу йўлда малакали бўлишга интилишдир, - дейди у.

Сиз ҳам ортда қолманг, меҳнатдан қочманг, орзуларингиз сари дадил, бошни тик туриб боринг. Зеро, буюк тарихи бор юрт фарзандлари – буюк келажакни ярата олишига ҳеч шубҳа йўқ.

Оқ йўл сенга, Мирзоумар. Ютуқларинг бардавом бўлсин, келажакда бундан-да улкан марраларни забт этишига ишонамиз.

**Хусан Ҳакимов,  
“BYO” газетаси муҳбири.**

## СОВРЕМЕННЫЙ РЕБЁНОК И КЛАССИКА: ПОИСК ВОСПИТАТЕЛЬНОГО БАЛАНСА



Современные дети растут в условиях непрерывного информационного потока. Их внимание ежедневно привлекают мультфильмы, компьютерные игры, социальные сети и короткие видеоролики. Из-за этого способность к длительной концентрации постепенно ослабевает, а привычка к вдумчивому чтению формируется значительно труднее. Тем не менее именно классическая литература продолжает оставаться одним из важнейших средств нравственного и эмоционального воспитания ребёнка.

В произведениях русской классики поднимаются темы, которые сохраняют актуальность независимо от времени. В «Сказке о рыбаке и рыб-

ке» А. Пушкина через образ жадной старухи раскрываются последствия человеческой алчности и неблагодарности. В рассказе Л. Толстого



«Филиппок» показаны детская любознательность, стремление к знаниям и преодоление внутреннего страха. Произве-


дения К. Чуковского «Мойдодыр» и «Айболит» в доступной и образной форме знакомят ребёнка с понятиями чистоты,

заботы, ответственности и доброты.

Практика показывает, что особенно эффективно классические произведения воспринимаются тогда, когда чтение сопровождается обсуждением. Детям легче понять смысл текста, если педагог связывает события произведения с реальными жизненными ситуациями. Например, переживания героя рассказа «Филиппок» можно сопоставить со страхами школьника перед новым коллективом или ответом у доски. Такой подход помогает ребёнку почувствовать связь литературы с собственной жизнью и эмоциональным опытом. В результате классическая литература перестаёт восприниматься как сложный и далёкий текст, постепенно становясь естественной частью внутреннего мира ребёнка.

**Дилрабо Убайдова,  
преподаватель  
Бухарского государственного  
Педагогического института**

## БЕРУНИЙ АЛИМОВ: “BUXORO YOSHLARI” БИЗГА КАТТА “СЮРПРИЗ” ҚИЛДИ



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

Бундан бир неча йил илгари медиада катта енгиллик яратадиган ёки соҳа келажагини шубҳа остига кўювчи сунъий интеллект оммалашиб кетишини биров билмаган. Бугун эса у ҳар бир соҳада қўлланилади.

Бу ҳақдаги “Buxoro yoshlari” gazetasi” студияси меҳмони халқаро даражадаги журналист, профессор Беруний Алимов билан суҳбатни QR-kod орқали томоша қилинг.

## МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ХИТОЙДА



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш, маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчиларининг билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай эзгу мақсад йўлида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан бир гуруҳ маҳалла ёшлар етакчилари Хитой Халқ Республикасида малака ошириш дастурида иштирок этиб, илғор тажрибаларни ўрганиб қайтди.

- Ривожланган давлатда бўлиб қайтганимиз бизга жуда катта руҳ бағишлади. Хитой Республикасида, айниқса, таълим жараёнларининг тартиби, болалиқдан меҳнат ва илмни биргаликда йўлга қўйилгани эътиборимизни тортди. Саёҳат давомида фаолиятимизга тааллуқли ҳам муҳим, ҳам самарали иш услубларини билиб олдик, - дейди Хитой сафаридан қайтган Шарқ юлдузи МФЙ етакчиси Дилноза Қойирова.

Республикадан саралаб олинган 28 нафар етакчи ўқув-амалий дастури давомида иштирокчилар ёшлар билан ишлашнинг замонавий услублари, инновацион бошқарув, лидерлик, ижтимоий лойиҳаларни самарали ташкил этиш ҳамда ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Хитой тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Хусусан, Гуанчжоу шаҳридаги нуфузли таълим муассасаларида ташкил этилган семинар ва тренингларда ёшлар сиёсати, стратегик режалаштириш ҳамда рақамли технологияларни амалиётга жорий этиш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Сафар ҳақидаги фикр ва таассуротлар видеода батафсил ёритилган.

## 30 ЙИЛЛИК МУҲАРРИР



Бухоролик журналист ва ёзувчи Баҳром Солиев билан ижодкор дўстларимиз Чоршам Рўзи ва Сулаймон Шодиев орқали танишганмиз. Дўстларимизнинг дўсти билан дўстлашганимизга ҳам кўп йиллар бўлди. Бухородан Баҳром Солиевнинг 60 ёшга тўлаётгани ҳақида хабар келди. Ишонгимиз келмайди. Лекин, вақтни орқага қайтариб бўлмайди.

### Ёзёвондан мактуб

ким учундир оддий меҳнат лавозими. Эркин Воҳидов бир шеърда “Бизлар ишляпмиз, бу – меҳнат, холос”, деганидек Баҳром Солиев муҳаррирликни мансаб эмас, масъулиятли вазифа, ўзига билдирилган ишонч, деб билади. Оддий мухбир бўлган кезларида қанчалик камтарин, оддий, самимий бўлса, 60 ёшга тўлаётган бугунги кунларгача ўша оддийликни сақлаб қолган.”

Мана-ман, деган шаҳар, туман газеталари тўхтаб қолган бир пайтда Баҳром Солиев муҳаррирлигидаги “Қоровулбозор тонги” ҳар ой ўз вақтида чоп этиб бориларди. Бу ҳам бўлса, бош муҳаррирнинг меҳнати.

Ёзёвонлик ижодкорлар номидан Баҳром Солиевни журналистик фаолиятидаги изланишлари ва ютуқлари янада бардавом бўлишини тилаб қолашим!

Муҳаммадрасул Кимсанбоев,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

Баҳром Солиев 1965 йил Когон туманининг Ниёзхожи қишлоғида туғилган. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. 1991-1993-йилларда Бухоро Давлат Тиббиёт институти фалсафа кафедраси ўқитувчиси, 1993 йилдан “Қоровулбозор тонги” газетасига мухбир, 1996 йилдан бош муҳаррир сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги кунгача унинг “Кўнги кўзгуси”, “Меҳр маржонлари”, “Минг бир хангома”, “Саҳродаги мўъжиза” (С. Шодиев билан ҳаммуаллифликда), “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи”, “Қоровулбозор тумани: ўтмиш, бугун ва келажак чорраҳасида”, “Қоровулбозор тумани тарихи” (Қ. Ражабов билан ҳаммуаллифликда), “Юракдаги битиклар”, “Янги

давр одимлари” сингари бадиий ва тарихий-публицистик китоблари, қоровулбозорлик ижодкорларнинг ижод намуналари тўпланган “Юрт таронаси” тўплами чоп этилган.

“Саҳродаги мўъжиза” асари асосида ҳужжатли фильм суратга олинган.

Яқинда когонлик ижодкорлар Сулаймон Шодиев, Чоршам Рўзиев билан ҳамкорликда ёзилган “Когон: замон-макон-давр силсиласида” номли китоби чоп этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси бўлган Б. Солиевнинг салкам ўттиз йиллик муҳаррирлик фаолияти ҳақида Сулаймон Шодиев шундай ёзади: “Муҳаррирликни ҳар ким ўзича тушунади. Ким учундир обрў,

## ЖАДИДЛАР

Юртнинг келажагин кўзлаб яшаган,  
Доим адолатдан сўзлаб яшаган.  
Сотқин, олчоқлардан бўзлаб яшаган,  
Миллат учун жонин берган жадидлар.

Ўй - хаёли эзгу ғояни кучган,  
Доим етти ўлчаб, сўнгра бир кесган.  
Жаҳолатнинг хавфли йўлларин тўсган,  
Миллат учун жонин берган жадидлар.

Беҳбудий, Қодирий, Ойбек, Чўлпонлар,  
Ёвга жони билан тўлаб, ўлпонлар.  
Шеърда эрklarни истаб Усмонлар,  
Миллат учун жонин берган жадидлар.

Ватан учун нима қилолдик бизлар?  
Бизлардан қолгайми, шундайин излар?  
Шу Ватанни севиб - асранг, азизлар,  
Миллат учун жонин берган жадидлар.

Жалолiddин Ёриев

**MUASSIS :**  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
YOSHLAR ISHLARI  
AGENTLIGINING BUXORO  
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI  
BOSHQARMASI

**Bosh muharrir :**  
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan  
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

### BOSH HAMKOR:

O'zbekiston yoshlar ittifoqi  
Buxoro viloyati Kengashi

### TAHRIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov  
Mirali Hamroyev  
Obidjon Hamidov  
Shuhrat Jumayev  
Jamol Nosirov  
Dilshod Yo'ldoshev  
Mirshod Ochilov

### TAHRIRIYAT MANZILI:

Buxoro shahri, Alisher Navoiy  
ko'chasi, 20-uy.

### TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:

20210000404114165001 "Agrobank"  
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:  
87100, STIR: 203590296  
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



9 1772181 655003

**SAHIFALOVCHI -  
DIZAYNER:**  
Xurshid Abdullayev

Gazeta "Photo Express" XICH ofset  
usulida 1300 nusxada chop etildi.

**Bosmaxona manzili:**  
Qarshi shahri, Mustaqillik  
shox ko'chasi, 22-uy

**Navbatchi muharrir: Zulfizar Mavlonova**  
**Vizual muharrir: Dilnavoz To'xtayeva**  
**Tasvirchi: Husan Hakimov**

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.  
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00  
Bahosi kelishilgan narxda 01.06.2026 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.